



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SOG'LIQNI SAQLASH VAZIRINING  
BUYRUG' I**

2019 yil "02" 05 \_\_\_\_\_

№ 114 \_\_\_\_\_

Toshkent sh.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 16 апрелдаги  
ПҚ-4290-сон "Соғлиқни сақлаш соҳасида давлат-хусусий шерикликни  
ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 16 апрелдаги ПҚ-4290-сон "Соғлиқни сақлаш соҳасида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида буюраман:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 16 апрелдаги ПҚ-4290-сон "Соғлиқни сақлаш соҳасида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Қарор ижросини таъминлаш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигининг чора-тадбирлар режаси 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимининг ташкилий тузилмасида кўзда тутилган ташкилотлар, муассасалар раҳбарлари:

бир ой муддатда ва кейинчалик ҳар йилнинг 1 декабрига қадар, эҳтиёжидан ортиқча бўлган ер участкалари, бўш турган бинолар ёки уларнинг қисмлари ва хоналари, самарасиз фаолият кўрсатаётган тиббиёт муассасалари ва бўлинмалари тўғрисидаги маълумотни;

бир ой муддатда соғлиқни сақлаш соҳасида бирламчи аҳамиятга эга бўлган давлат-хусусий шериклик лойиҳаларининг концепциясини;

ҳар чоракда, тиббиёт муассасанинг асосий вазифалари ва ихтисослик йўналишидан келиб чиққан ҳолда, давлат-хусусий шериклик лойиҳалари концепциясини Давлат-хусусий шерикликни ва тиббий туризмни ривожлантириш бош бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлимларига тақдим этсин.

Белгилаб қўйилсинки, соғлиқни сақлаш соҳасида давлат-хусусий шериклик лойиҳалари тизимига жорий этишда ташаббус кўрсатиш, лойиҳаларни амалга ошириш жараёнида зарур бўлган ҳужжатларни тайёрланиши, уларга хулоса бериш ҳамда мавжуд муаммоларни ҳал қилишда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимининг ташкилий тузилмасидаги ташкилот, муассасалар раҳбарлари масъул ҳисобланади.

4. Давлат-хусусий шериклик лойиҳалари концепцияларини кўриб чиқиш ва хулоса бериш бўйича ишчи гуруҳ таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ишчи гуруҳнинг асосий вазифаси соғлиқни сақлаш соҳасида давлат-хусусий шериклик лойиҳалари концепциясини ишлаб чиқишда қатнашиш, таҳлил қилиш ва хулоса беришдан иборат эканлиги белгилаб қўйилсин.

Давлат-хусусий шериклик лойиҳалари концепциясига хулоса беришда қуйидаги мезонлар инобатга олинсин:

лойиҳа концепциясининг иқтисодий ва ижтимоий самарадорлиги;

лойиҳа концепциясида юқори технологияли тиббий хизматни ташкил этилиши кўзда тутилганлиги;

лойиҳани амалга ошириш билан боғлиқ молиявий-иқтисодий ҳисоб-китоблар;

лойиҳа концепциясида ижтимоий ва инфратузилмавий муаммоларни ҳал этишга қаратилгани, шу жумладан, соғлиқни сақлаш соҳасига киритиладиган инвестициялар миқдори;

лойиҳа концепциясига асосан янгидан қуриладиган тиббиёт ташкилотларининг объектларини лойиҳалаштириш ва қуриш масалалари;

лойиҳа концепциясига асосан тиббиёт йўналишида ҳалқаро стандартлар ва тавсияларнинг жорий этилиши;

лойиҳа концепциясига асосан ҳудудлар бўйича янги турдаги замонавий тиббий хизматларнинг жорий этилишига эътибор қаратилганлиги;

лойиҳа концепциясида она ва бола соғлиғини сақлашни мустаҳкамлаш, чақалоқлар ва болаларнинг соғлом овқатланишини яхшилаш масалалари кўзда тутилганлиги;

лойиҳа концепциясида санитария-эпидемиологик вазиятни барқарорлаштириш, шу жумладан, юқумли касалликлар тарқалишини профилактикаси ва даволаш, сурункали касалликларни даволашга эътибор қаратилганлиги;

лойиҳа концепциясида “Электрон соғлиқни сақлаш” тизимларини кенг жорий этиш, ягона миллий стандартлар асосида интеграциялашган ахборот тизимлари ва маълумотлар базалари мажмуини яратишга эътибор қаратилганлиги;

хусусий тиббиёт ташкилотини ташкил қилиш, уларнинг тиббий фаолиятини лицензиялаш масалалари;

лойиҳа концепциясида тиббиёт кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва улар малакасини ошириш масалаларига эътибор қаратилганлиги;

лойиҳа концепциясида инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологиялардан кенг фойдаланишга асосланган давлат тиббиёт муассасасининг замонавий шакллари жорий этишни мавжудлиги;

лойиҳа концепциясида ҳалқаро стандартлар асосида менежмент ва тиббиёт хизматлари сифатини бошқаришнинг замонавий тизимларини, шунингдек, аҳолининг соғлиқни сақлаш сифатидан қониққанлигини баҳолаш механизмларини жорий этиш масалаларига эътибор қаратилганлиги;

тиббиёт муассасаларининг ҳалқаро алоқаларини ривожлантириш ва ҳалқаро обрўсини оширишга қаратилганлиги;

лойиҳа концепциясида саломатликнинг ижтимоий ва иқтисодий кўрсаткичларига салбий таъсир кўрсатаётган муаммоларни ҳал қилиш, соғлом ва хавфсиз атроф-муҳитни ривожлантириш, сув таъминоти, соғлом овқатланиш, шунингдек, соғлом турмуш тарзини шакллантириш масалаларига эътибор қаратилганлиги.

5. Давлат-хусусий шерикликни ва тиббий туризмни ривожлантириш бош бошқармаси (К.Эшназаров):

бир ой муддатда илғор ҳалқаро тажрибани инобатга олган ҳолда, соғлиқни сақлаш соҳасида давлат-хусусий шериклик битимларининг намунавий шакллари ишлаб чиқирилишини ва белгиланган тартибда тасдиқланишини таъминласин;

икки ой муддатда соғлиқни сақлаш соҳасида, шу жумладан республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари иштирокида амалга ошириладиган бирламчи аҳамиятга эга бўлган давлат-хусусий шериклик лойиҳаларининг концепцияси ишлаб чиқирилишини ва белгиланган тартибда тасдиқланишини таъминласин;

Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлиги билан биргаликда, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказларининг бюджетдан ташқари маблағлари, техник кўмак маблағлари ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан давлат-хусусий шериклик асосидаги аниқ лойиҳаларнинг концепциялари, битимлари ҳамда тендер ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун экспертлар ва консультантларни жалб этишни танлов асосида амалга оширилишини таъминласин;

икки ой муддатда хусусий шерикни танлаб олиш мақсадида тендер комиссияси фаолиятини ташкил қилиш, унинг таркиби, тендер комиссияси аъзоларига қўйиладиган талабларни ўз ичига олган тендер комиссиясининг регламенти ишлаб чиқирилишини ва белгиланган тартибда тасдиқлашга тақдим этилишини таъминласин.

6. Давлат-хусусий шериклик лойиҳалари концепцияларини кўриб чиқиш ва хулоса бериш бўйича ишчи гуруҳнинг хулосаси баённома билан расмийлаштирилсин ва ижобий хулоса берилган лойиҳа концепциялари асосида тендер эълон қилиш тартиби, тендер комиссияси таркибини белгилаб бериш учун Соғлиқни сақлаш вазирининг буйруғи лойиҳаси ўрнатилган тартибда тайёрлансин.

7. Давлат-хусусий шерикликни ва тиббий туризмни ривожлантириш бош бошқармаси (К.Эшназаров) ўрнатилган тартибда, хорижий инвесторларга давлат-хусусий шериклик лойиҳалари тўғрисида маълумот етказилишини вазирликнинг расмий веб-сайтида ва Инвестиция ва ташқи савдо вазирлигининг “Инвестиция портали”да эълон бериш орқали таъминласин.

8. Фан ва таълим бош бошқармаси (Ў.Исмаилов) бир ой муддатда Тошкент врачлар малакасини ошириш институти негизида давлат тиббиёт

муассасалари раҳбарлари учун хорижий инвестицияларни жалб этиш ва соғлиқни сақлаш соҳасида инвестицион фаолиятни бошқариш масалалари бўйича мазкур тиббиёт ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан шартнома асосида қисқа муддатли малака ошириш курслари ташкил этилишини таъминласин.

9. Юридик бўлими (Р.Махамадиев) икки ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

10. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилиш вазир ўринбосари Ли Донг Ук зиммасига юклатилсин.

Вазир



А.Шадманов





<p>уч ой муддатда соғлиқни сақлаш соҳасида, шу жумладан республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари иштирокида амалга ошириладиган бирламчи аҳамиятга эга бўлган давлат-хусусий шериклик лойиҳаларининг концепциясини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин. 2019 йил 15 августга қадар давлат-хусусий шериклик битимларини тузиш ҳуқуқини берувчи тендер эълон қилсин.</p>	<p>4. Соғлиқни сақлаш соҳасида бирламчи аҳамиятга эга бўлган давлат-хусусий шериклик лойиҳаларининг концепциясини ишлаб чиқиш;</p>	<p>2019 йил 16 июн</p>	<p>К.Эшназаров, РИИАТМлари раҳбарлари</p>
	<p>5. Ҳар чорақда, тиббиёт муассасанинг асосий вазифалари ва ихтисослик йўналишидан келиб чиққан ҳолда, давлат-хусусий шериклик лойиҳалари концепциясини Давлат-хусусий шерикликни ва тиббий туризми ривожлантириш бош бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлимларига тақдим этиш.</p>	<p>ҳар чорақда 30-санага қадар</p>	<p>К.Эшназаров, Қорақалпоғистон Республикаси ССВ, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ССВ бошлиқлари, Тиббий олий ўқув юртлари ва филиаллари, академик лицей ва тиббиёт коллежлари, Тошкент врачлар малакасини ошириш институти, РИИАТМлари, санаториялар ва барча ДПМларининг раҳбарлари</p>
	<p>Тасдиқланган лойиҳа концепциялари асосида тендер савдоларини Соғлиқни сақлаш вазирлигининг расмий веб-сайтида ва бошқа расмий веб-сайтларда эълон бериш.</p>	<p>2019 йил 10 август</p>	<p>К.Эшназаров, Ф.Санаев, Д.Усмонов</p>

2.	6. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлиги ва республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари билан биргаликда, шу жумладан, Соғлиқни сақлаш вазирлиги республика ихтисослаш-тирилган илмий-амалий тиббиёт марказларининг бюджетдан ташқари маблағлари, техник кўмак маблағлари ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан экспертлар ва консультантларни жалб қилган ҳолда давлат-хусусий шериклик лойиҳалари-нинг концепциялари, битимлари ҳамда тендер ҳужжатларини ишлаб чиқилишини таъминласин;	Экспертлар ва консультантларни жалб қилган ҳолда давлат-хусусий шериклик лойиҳаларининг концепциялари, битимлари ҳамда тендер ҳужжатларини ишлаб чиқиш;	2019 йил 15 июн	К.Эшназаров, РИИАТМлари раҳбарлари
	Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан биргаликда хорижий инвесторларга давлат-хусусий шериклик лойиҳалари тўғрисида маълумот етказилишини, шу жумладан Соғлиқни сақлаш вазирлигининг расмий веб-сайтида ва “Инвестиция портали”да эълон бериш орқали таъминласин;	Хорижий инвесторларга давлат-хусусий шериклик лойиҳалари тўғрисида маълумотни Соғлиқни сақлаш вазирлигининг расмий веб-сайтида ва Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигининг “Инвестиция портали”да эълон бериш;	2019 йил 25 июн	К.Эшназаров, Д.Усмонов
	Давлат бошқаруви академияси, бошқа таълим ва илмий тадқиқот муассасалари билан биргаликда бир ой муддатда Тошкент врачлар малакасини ошириш институти негизида давлат тиббиёт муассасалари раҳбарлари учун хорижий инвестицияларни жалб этиш ва соғлиқни сақлаш соҳасида инвестицион фаолиятни бошқариш масалалари бўйича мазкур тиббиёт ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан шартнома асосида қисқа муддатли малака ошириш курсларини ташкил қилсин;	Тошкент врачлар малакасини ошириш институти негизида давлат тиббиёт муассасалари раҳбарлари учун хорижий инвестицияларни жалб этиш, соғлиқни сақлаш соҳасида давлат-хусусий шериклик ва инвестицион фаолиятни бошқариш масалалари бўйича қисқа муддатли малака ошириш курсларини ташкил этиш;	2019 йил 5 май	Ў.Исмаилов, К.Эшназаров
	икки ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.	Қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш юзасидан таклифлар тайёрлаш.	Бир ой муддатда	Р.Махаммадиев

**Давлат-хусусий шериклик лойиҳалари концепцияларига  
хулоса бериш бўйича ишчи гуруҳ таркиби**

1. А.Шадманов                      Вазир, *ишчи гуруҳ раиси*
2. Ли Донг Ук                      Вазир ўринбосари, *ишчи гуруҳ раиси ўринбосари*
3. Б.Низомов                      Вазир ўринбосари, *ишчи гуруҳ раиси ўринбосари*
4. К.Эшназаров                    Давлат-хусусий шерикликни ва тиббий туризмни  
ривожлантириш бош бошқармаси бошлиғи
5. Ф.Шарипов                      Даволаш-профилактика ёрдамни ташкиллаштириш бош  
бошқармаси бошлиғи
6. Ў.Исмаилов                      Фан ва таълим бош бошқармаси бошлиғи
7. Б.Эргашев                      Иқтисодиёт ва молия бош бошқармаси бошлиғи
8. М.Садиков                      Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бош бошқармаси  
бошлиғи
9. Д.Мирзабаев                    Санитария-эпидемиология назорати бош бошқармаси  
бошлиғи
10. Ф.Рахимқулов                   Лицензиялаш ва аккредитациялаш бошқармаси бошлиғи
11. Лавозимни эгаллаб  
турган шахс\*                      Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимининг  
ташкилий тузилмасида кўзда тутилган ташкилотлар,  
муассасалар раҳбарлари.

**Изоҳ:** \* - тегишли ҳудуд ва ихтисослик йўналишидан келиб чиққан ҳолда, заруриятга кўра жалб қилинади.

Ишчи комиссия аъзолари бошқа ишга ўтганда ёки бўшаганда унинг таркибига мазкур лавозимларга янгидан тайинланган ёки тегишли вазифаларни бажариш юклатилган шахслар киритилади.